



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\*  
к договору (контракту) от 26.01.2022 г. № 43

между Марказий ЙМФУК и Сирдарё вилояти Автомобил йуллари бош бошкармаси на общую сумму  
1046367000,00

Глава

118

Казначейский лицевой счёт

304510860244017045161118001

(в сумах)

| Наименование месяцев<br>2022 г. | Виды расходов**<br>(соответствующий код бюджетной классификации) |  |  | Всего            |
|---------------------------------|------------------------------------------------------------------|--|--|------------------|
|                                 | 4233100                                                          |  |  |                  |
| Январь                          | 348 789 000,00                                                   |  |  | 348 789 000,00   |
| Февраль                         | 348 789 000,00                                                   |  |  | 348 789 000,00   |
| Март                            | 348 789 000,00                                                   |  |  | 348 789 000,00   |
| Апрель                          |                                                                  |  |  |                  |
| Май                             |                                                                  |  |  |                  |
| Июнь                            |                                                                  |  |  |                  |
| Июль                            |                                                                  |  |  |                  |
| Август                          |                                                                  |  |  |                  |
| Сентябрь                        |                                                                  |  |  |                  |
| Октябрь                         |                                                                  |  |  |                  |
| Ноябрь                          |                                                                  |  |  |                  |
| Декабрь                         |                                                                  |  |  |                  |
| Всего за год                    | 1 046 367 000,00                                                 |  |  | 1 046 367 000,00 |

Всего 1046367000,00 сум

Один миллиард сорок шесть миллионов триста шестьдесят семь  
тысяч сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_% \*\*\* от общей суммы договора  
подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_%, от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



(подпись)

Суванов Зуфар Абдурасилович  
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Бердикулов Шавкат Холбутаевич  
Ф.И.О.

Принял работник казначейского  
подразделения

(подпись)

Получил работник  
заказчика

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

**Сирдарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси билан Сирдарё йўллардан мунтазам  
фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида 2022 йил 1-чорак учун ҳудуддаги халқаро аҳамиятидаги  
автомобил йўллариини сақлаш ишлари пудрат шартномаси № 43**

“26” январ 2022 йил

Гулистон ш.

Сирдарё вилояти АЙББ номида Низомга асосан фаолият кўрсатувчи З.Суванов, бундан буён матнда “Буюртмачи” деб номланувчи бир тарафдан ва Сирдарё ЙМФУК номидан Низомга асосан фаолият кўрсатувчи Ш.Шамсиддинов, бундан буён матнда “Пудратчи” деб номланувчи иккинчи тарафдан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ (предмети).**

1.1. Пудратчи ўз зиммасига Буюртмачининг топшириғига асосан ХАЛҚАРО аҳамиятидаги автомобил йўллариини сақлаш ишлари ишларини бажариш (1-иловага саосан). Буюртмачи эса бу ишларни бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2, Ф-3) асосида қабул қилиб олиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

**2. ШАРТНОМА БАХОСИ.**

2.1. Шартноманинг умумий бахоси 1 046 367 000 (Бир миллиард қирқ олти миллион уч юз олтмиш етти минг) сўмни ташкил этади.

Шу жумладан маъмурий бошқарув аппаратини сақлаш учун 369 567 000 сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома бахоси қонунда белгиланган солиқлар, йиғмалар ва ажратмаларни ҳам ўз ичига олади.

**3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.**

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов бўнак тўлаш билан босқичма – босқич тарзда амалга оширилади, яъни ҳар ойлик ҳажмининг 40 % фоиз миқдорида олдиндан бўнак тўланади, қолган маблағ бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси (Ф-3) га асосан тўлаб берилади.

3.2. Тўлов шакли тўлов топшириқномасига асосан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.**

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни белгиланган лимитлар доирасида тасдиқланган сметага асосан бажаради.

4.2. Шартноманинг амалда бўлиш муддати 2022 йил 31 декабрда (ёки шартнома шартлари тўлиқ бажарилганда) тамомланади.

**5. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**5.1 Пудратчи:**

а) Пудратчи ўз кучи билан, белгиланган лимитлар доирасида сметада назарда тутилган ишларни бажариши ва объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилинган сарф харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур объект учун ҳар ойнинг 20 кунида 25 кунига қадар тўлиқ маълумотни (белгиланган шакилларда ижро ҳужжатлари билан) Буюртмачи корхона (ташкилот) га топширади №

б) Пудратчига сақлаш учун бириктирилган автомобил йўлининг бор элементларини (кўприк, қувур, йўл белги, огохлантирувчи устунча, автобекат, ажратувчи тўсиқ, в.х.к соз ва озода ҳолда сақланиши, айрим ҳолларда йўл элементларининг йўқолишида ҳам жавобгар ҳисобланади.

в) техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва автомобил йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди.

**5.2. Буюртмачи:**

а) ушбу шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда пудратчига тўловни амалга оширади;

б) Пудратчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан бажарилган ишларни қабул қилиши шарт.

**6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Тарафлар (ёки тарафлардан бири) ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда амалдаги Қонун ҳужжатларига асосан жавобгарликка тортилади.

**7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ**

7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ҳолатлар, ер қимирлаши, сув босиши, ёнғин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди;

7.2. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятини бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим;  
7.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белилари аниқланмаса Буюртмачи ва Пудратчи бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартномани бекор қилиши мумкин.

#### 8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида ўзаро музоқора йўли билан хал қилинади.  
8.2. Агар келишмовчиликларни музоқора йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хал қилинади.

#### 9. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартириш киритиш, улар ёзма равишда расмийлаштирилиб ва ҳар икки томон имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий ҳисобланади;  
9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик Кодекси ва Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин;  
9.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга бу ҳақда ёзма равишда хабарнома юборади.

#### 10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартнома тарафларнинг ҳар бирига бир нусхадан, бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.  
10.2. Шартнома тарафларнинг имзолари ва муҳри босилиб сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилигидан рўйхатдан ўтгандан кейин қонуний кучга киради ва ҳақиқий ҳисобланади.

#### 11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ ХИСОБ-КИТОБЛАРИ.

##### “БУЮРТМАЧИ”

Сирдарё вилояти АЙББ  
Гулистон ш. Тошкент кўчаси 3-уй  
ш.х.в: 304510860244017045161118001  
ИНН: 200317761 ОКОНХ: 97400  
Молия вазирлиги газначилиги  
Ягона газна ҳисоб варағи  
х/р: 23402000300100001010  
ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси  
МФО: 00014 ИНН: 201122919  
Бош бошқарма бошлиғи: З. Суванов



##### “ПУДРАТЧИ”

Сирдарё ЙМФУК  
Сирдарё тумани Чибантой даахаси  
“Хамкорбатик” АТБ Гулистон филиали.  
м.х.в: 2262 6000 2045 7302 8003  
МФО: 01118, ИНН: 206836864  
ОКОНХ: 61129



директор: и.в.б. Ш.Шамсиддинов

#### ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА.

Мен, Сирдарё вилоят Адлия бошқармаси томонидан берилган 2021 йил 27 мартдаги ЮК № 006567-сонли гувоҳномасига асосан фаолият юритувчи юқоридаги ушбу шартнома лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим, ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг тегишли моддалари ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига зид эмаслиги сабабли, ушбу шартнома лойиҳасини имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Сирдарё вилояти АЙХББ  
юрисконсулт:

Ж.Хасанов

“Тасдиқлайман”  
Сирдарё вилояти АЙББ  
бош муҳандиси техник кенгаш раиси  
Т.Юлдашев  
«26» январ 2022 й.



Сирдарё вилояти автомобил йўллари бош бошкармаси техник кенгаш йиғилиши баённомаси.

26 январ 2022 йил

Гулистон ш.

Раислик килувчи:

Т.Юлдашев- Сирдарё вилояти АЙББ бош муҳандиси  
-техник кенгаш раиси

Катнашдилар:

Техник кенгаш аъзолари, йўл лойиха ташкилотлари мутахассислари.  
Кун тартиби:

1. Сирдарё вилояти автомобил йўллари бош бошкармаси тизимидаги Сирдарё ЙМФУК 2022 йил 1-чоракга ажратилган маблаг лимити бўйича Халқаро аҳамиятидаги умумфойдаланувдаги автомобил йўлларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 йил, 11-сон, 81-модда) билан тасдиқланган умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифига иловага мўвофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида 2011 йил 31 декабрдаги 352-сон қарорида кўзда тутилган сақлаш ишларини бажарилишини муҳакамаси.

(Юлдашев, Худойбердиев, Шердилов, Шеркулов, Рахимкулов, Юлдашев)

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Сирдарё вилояти АЙББ бош муҳандиси Т.Юлдашев сўзга чиқиб жорий йилдан умумфойдаланувдаги автомобил йўлларида бажариладиган таъмирлаш ва сақлаш ишлари Молия Вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси томонидан молиялаштирилишини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31-декабрдаги “Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини таъмирлаш ва сақлаш фойдаланишини ташкил этиш ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида” ги 352-сонли қарорини 1-илловаси “Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари Таснифи” да кўзда тутилган ишлар бажарилиши лозимлигини гапириб ўтди.

Кун тартибида кўриб чиқилган масалалар муҳакамаси, билдирилган мулоҳаза ва тақлифлар асосида Кенгаш қарор қилади:

Сирдарё вилояти автомобил йўллари ҳудудий бош бошкармаси ва Сирдарё ЙМФУК ўртаисда 2022 йил 1-чорак давомида туман ҳудудидаги автомобил йўлларини сақлаш ишларига 1 046 367 000 сўм маблаг Таснифда кўрсатилган кўйидаги ишларни бажаришга йўналтирилсин:

а)

-ажратилган минтакани, йўл четларини, нишабликларни ва ажратувчи тасмаларини мунтазам равишда озода ва тартибли сақлаш, чиқиндилардан ва бегона буюмлардан тозалаш, текислаш;

-йўл копламасини чиқинди, чанг ва ифлосликлардан, қор, муздан мунтазам равишда тозалаш, бегона буюмларни йиғиштириш, қум ва сирпанчикга қарши аралашмалар сепиш йўли билан автомобил йўлларини катнов қисмини музгарчилиги ва сирпанчиклигини бартараф этиш, шунингдек битумни терлаши натижасида ҳосил бўлган сирпанчикликни бартараф этиш,

б)

-кўприк кўтармаси элементларини, фермаости майдончаларини, тянч қисмлари, оралик қурилмалари элементларини, тахта зиналарни, таянчлар, қувурлар, тоннеллар ва бошқа иншоотларни чанг ва ифлосликлардан тозалаш,

в)

-йўл белгиларига қараш, шикастланган йўл белгиларини алмаштириш, етишмаётқанларини ўрнатиш, -автобус бекатларини, пиёдалар ўтиш жойлари, дам олиш майдончалари, йўл белгилари учун конструкциялар, тўсиклар, йўналтирувчи қурилмалар, шийпончалар ва уларнинг жиҳозлари элементлари, шунингдек шовкиндан химоя қиладиган қурилмаларни бўялган холда озода ва тартибли сақлаш, автомобил йўлларини меъморий-бадий безашнинг шикастланган айрим элементларини тузатиш, ушбу элементларга керакли тарзда қараш, хожатхоналар, йўл таъмирлаш пунктлари, йўл ўсталари ўйларини тозалаш.

Сақлаш ишларини смета ҳужжатларида иловада келтирилган қурилиш материалларнинг нархи қўлланиш учун қабул қилинсин.

Котиб:

*Handwritten signature*

Р.Назаров.

Сирдарё вилоят автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси ҳамда Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида тузилган саклаш ишлари

№ \_\_\_\_\_ шартномага илова

Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш корхонасининг умумфойдаланувдиги автомобил йўлларида саклаш ишлари бўйича 2022 йил 1 чорақ учун вақтингчаник  
Х А Р А Ж А Т Л А Р С М Е Т А С И

|                                                                                             | Жами йўллар | 2022 йил ахирини   | Шу жумладан        |                  |                  |          | Шу жумладан      |          |          |          | Шу жумладан |          |          |          | Шу жумладан |          |          |
|---------------------------------------------------------------------------------------------|-------------|--------------------|--------------------|------------------|------------------|----------|------------------|----------|----------|----------|-------------|----------|----------|----------|-------------|----------|----------|
|                                                                                             |             |                    | I-кв               | феврал           | март             | II-кв    | апрел            | май      | июн      | III-кв   | июл         | август   | сентябр  | IV-кв    | октябр      | ноябр    | декабр   |
| 1 М-34 "Тошкент-Душанбе" 70-105 км                                                          | 35          | 288 000,0          | 288 000,0          | 96 000,0         | 96 000,0         | -        | 96 000,0         | -        | -        | -        | -           | -        | -        | -        | -           | -        | -        |
| 2 М-39 "Алматы-Бишкек-Тошкент - Шахрисабз-Термиз" 871-888 км                                | 17          | 54 000,0           | 54 000,0           | 18 000,0         | 18 000,0         | -        | 18 000,0         | -        | -        | -        | -           | -        | -        | -        | -           | -        | -        |
| 3 А-373 "М-39 автойўли(918 км)- Гулистон-Бука -Ангрен-Кўзон ва Андижон орқали -Уш" 14-60 км | 46          | 334 800,0          | 334 800,0          | 111 600,0        | 111 600,0        | -        | 111 600,0        | -        | -        | -        | -           | -        | -        | -        | -           | -        | -        |
| 4 Маъмурий бошқарув аппаратини саклаш                                                       | 98          | 369 567,0          | 369 567,0          | 123 189,0        | 123 189,0        | -        | 123 189,0        | -        | -        | -        | -           | -        | -        | -        | -           | -        | -        |
| <b>Ж А М И :</b>                                                                            |             | <b>1 046 367,0</b> | <b>1 046 367,0</b> | <b>348 789,0</b> | <b>348 789,0</b> | <b>-</b> | <b>348 789,0</b> | <b>-</b> | <b>-</b> | <b>-</b> | <b>-</b>    | <b>-</b> | <b>-</b> | <b>-</b> | <b>-</b>    | <b>-</b> | <b>-</b> |

"Буюртмачи:"  
Сирдарё вилоят автомобил йўллари ҳудудий бошқармаси директори  
  


"Боқарувчи:"  
Сирдарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси директори  
  
